


«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Иқтисодий тараққиёт ва
камбағалликни қисқартириш
вазирининг биринчи ўринбосари,
Кенгаш раиси


_____ **И.Норқулов**
“ 28 ” октябрь _____ **2021 йил**

«Ўзбек тилидаги энг яхши шеър, ҳикоя, ғазал» онлайн танлови

НИЗОМИ

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1 «Ўзбек тилидаги энг яхши шеър, ҳикоя, ғазал» онлайн танлови (кейинги ўринларда онлайн танлов деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигида 21 октябрь – Ўзбек тили байрамининг 32 йиллигини муносиб тарзда нишонлаш шунингдек, ходимлар ўртасида китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ривожлантиришга қаратилган онлайн танлов ҳисобланади.

II. ОНЛАЙН ТАНЛОВНИНГ МАЗМУНИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

2.1. Онлайн танловнинг мазмуни:

21 октябрь – Ўзбек тили байрамининг 32 йиллигини вазирликда муносиб тарзда нишонлаш.

2.2. Онлайн танловнинг вазифаси:

- ходимлар орасида ўзбек адабиётига қизиқиш уйғотиш;
- шеърхонлик анъанасини қайта тиклаш;
- китобхонликни тарғиб этиш;
- адабий ва бадиий дидни тарбиялаш;
- тингловчилар олдида нотиклик қобилиятини ривожлантириш.

III. ОНЛАЙН ТАНЛОВНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАРТИБИ ВА ШАРТЛАРИ

3.1. Онлайн танловнинг тартиби:

Ҳар бир иштирокчи Ўзбек тилини тараннум этувчи шеър, ҳикоя, ғазални ёдлаб, ифодали айтиб берган видео лавҳасини онлайн танлов ҳакамлар ҳайъатининг (omahmudov@mineconomy.uz) электрон почта манзилига юбориши керак. Онлайн танловда иштирок этиш индивидуалдир. Почта манзилига юборилган видео лавҳанинг мавзуси (тема)га албатта **«Ўзбек тилидаги энг яхши шеър, ҳикоя, ғазал»** деб кўрсатилиши шарт. Танлов ғолиблари ҳакамлар ҳайъати томонидан аниқланади ва вазирликнинг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

3.2. Онлайн танлов муддатлари:

29 октябрдан – 3 ноябргача.

3.3.Онлайн танлов ҳакамлар ҳайъати:

А. Бобоев – Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири ўринбосари.

О.Маҳмудов – вазирнинг маънавий маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси в.в.б.

А. Ғазилов – Инсон ресурслари ва ходимлар салоҳиятини ривожлантириш департамент директори.

С.Қўйчиев – Юридик департаменти.

Д.Жураева – Ахборот хизмати бўлими бошлиғи.

У. Ибатходжаева – Касаба уюшмаси раиси.

О.Жўраев – Бош ҳисобчи.

3.4.Онлайн танловнинг шартлари:

Иштирокчилар ўз хатларида видео лавҳадан ташқари қуйидагиларни аниқ кўрсатишлари керак:

1. Паспорт (*нусхаси*);
2. Алоқа манзили (*телефон, электрон почта*);
3. Ишлаш жойи (*департамент, бошқарма, бўлим, ҳудудий бошқарма, тизим ташкилоти*);
4. Ўқиётган шеър, ҳикоя, ғазалнинг матни ва муаллифи;
5. Видео лавҳа ҳажми (*100 МБдан ошмаслиги керак*).

IV. ТАЛАБ ВА БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

4.1.Ижро қуйидаги шартларга кўра, 10 баллик баҳолаш асосида баҳоланади:

- тўғри адабий талаффуз;
- долзарблиги;
- актёрлик маҳорати (табассумлар, ҳаракатлар, мимика);
- иштирокчининг кўриниши (шеър, ҳикоя, ғазалга мос либос).

V. ХУЛОСА ВА МУКОФОТ

Ҳакамлар ҳайъати 1, 2 ва 3-ўрин эгаларини аниқлайдилар. Ғолиблар диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланадилар.

1-ўрин: 10 000 000 сўм

2-ўрин: 5 000 000 сўм

3-ўрин: 3 000 000 сўм